

уқыпшылықты, көнлікпелерди қәлиплестириўге жәрдем береді.

5. Рефлексивлик принципі. Өзиниң қәсіплик хәрекетлерин аңлаў хәм баҳалаўсыз қәсіплик-гностикалық компетентликтиң раўажланыўы мүмкин емес. Болажақ муғаллимлер рефлексияға уқыпшылығын раўажландырыў, күшли хәм күшсиз тәреплерин анықлаў керек.

6. Инновациялық принципі. Заманағөй билимлендириў педагоглардан оқытыўдың инновациялық усылларын ийелеўди, билим бериў процесслерин ана-

лизлеўди талап етеди. Оқытыўда санлы технологияларды, жасалма интеллектти, мағлыўматларды анализлеўди пайдаланыў болажақ муғаллимлердиң гностикалық компетентлигиниң дәрежесин арттырыўға себепши болады.

Жуўмақ. Болажақ муғаллимлердиң қәсіплик-гностикалық компетентлигиниң қәлиплесиўи – көп компонентли процесс. Жоқарыдағы принциплерге әмел етиў билим бериў процесслерин нәтийжели анализлеп билетуғын педагогларды таярлаў имканиятын береді.

Әдебиятлар

1. https://dovosp.ru/wp-content/uploads/2018/11/solomennikova_dv_11_2018.pdf
2. Ройтблат О.В. Неформальное образование педагогических работников: вчера, сегодня, завтра. // Вестник Тогирро. 2014. № 2 (29).
3. Хуторской А.В. Модель компетентностного образования. // Высшее образование сегодня. 2017. № 12.
4. Ямбург Е.А. Что принесет учителю новый профессиональный стандарт педагога? - М.: «Просвещение», 2014.
5. Раянова Ю.Ю., Савченко Т.В. Формирование гностической компетентности в современном профессиональном образовании. //Наука о человеке: гуманитарные исследования. 2016. №. 2 (24). - С. 91-97.
6. Холодная М.А. Перспективы исследований в области психологии способностей. // Психологический журнал. 2007. Т. 28. № 1. -С. 28–37.
7. Мухаметзянова Н.В. Особенности профессионально важных качеств будущих учителей физической культуры. // Теория и практика физической культуры. 2007. № 5. – С. 30-32.

РЕЗЮМЕ. Мақолада бўлажақ ўқитувчиларнинг қасбий-гностик компетенциясини шакллантириш тамойиллари таҳлил қилинади. Мазкур компетенция турининг назарий асослари, тузилмаси ва педагогик фаолиятдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Муаллиф бўлажақ педагогларда таҳлилий ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган инновацион ўқитиш усулларини жорий этиш зарурлигини таъкидлайди.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются принципы формирования профессионально-гностической компетентности будущих учителей как ключевого компонента их профессиональной подготовки. Анализируются теоретические основы данного вида компетентности, его структура и значимость в педагогической деятельности. Автор подчеркивает необходимость внедрения инновационных методов обучения, направленных на развитие аналитических и исследовательских умений у будущих педагогов.

SUMMARY. The article examines the principles of forming future teachers' professional-gnostic competence as a key component of their professional training. The theoretical foundations of this type of competence are analyzed furthermore, there is given its structure, and significance in pedagogical activity. The author emphasizes the need to introduce innovative teaching methods aimed at developing analytical and research skills in future teachers.

УМУМИНСОНИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ ЁШ АВЛОД ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮКСАЛТИРИШДАГИ КОНЦЕПТУАЛ АҲАМИЯТИ

Г.М.Эргашева – доцент

International school of finance technology and science

Таянч сўзлар: қадрият, миллат, тарих, маънавият, дунёқараш, муносабат, ғоя, сиёсат, маданият.

Ключевые слова: ценность, нация, история, духовность, мировоззрение, отношение, идея, политика, культура.

Key words: value, nation, history, spirituality, worldview, attitude, idea, politics, culture.

Кириш. Ижтимоий педагогика ижтимоий оилавий сиёсатда зарурий илмий асосни мустаҳкамлаш, шахсининг турли яшаш жойларида ўзига хос тарзда ривожланиши учун қулай ахлоқий-психологик шароитлар яратишга ёрдам беради. У таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ишга жойлашиш, оила, болалар ва ёшлар, ёши катталар билан ишлаш, ногиронларни, қочқинларни ва бошқа ёрдамга муҳтож мижозларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари бўйича жамият сиёсатида аниқ қарорлар қабул қилишда керакли педагогик компонентни таъминлайди.

Шунинг учун ҳозирги вақтда глобаллашув ва интеграция жараёнлари биринчи ўринда туради, миллатлараро, ижтимоий-маданий ҳамкорлик, таълим соҳалари шахсий маънолар билан тўлдирилган ҳолда янги турда тасдиқланади.

Мавзуга онд адабиётлар таҳлили. Қадриятларнинг ижтимоий-фалсафий масалалари А.Қамбаров [9], В.Алимасов [1], Ҳ.Алиқулов [2], И.Каримов [3], М.Муродов [5] каби тадқиқотчиларнинг асарларида у ёки бу йўналишда ўрганилган.

Маънавий ва ахлоқий қадриятларини кўриб чиқишда А.М.Коршуновнинг таъкидлашича, шахс учун унинг манфаатларига хизмат қиладиган нарса, унинг жисмоний ва маънавий ривожланишига ёрдам берадиган нарса қадриятдир [4]. Биз у барча муҳимлик қадрият эмаслигини таъкидлагани тўғри, деб ҳисоблаймиз. Қадрият, унинг фикрича, инсоннинг ижтимоий-тарихий фаолияти тизимларида муайян ҳодисаларнинг ижобий аҳамияти ёки вазифасидир. Ижтимоий ривожланишда салбий рол ўйнайдиган ҳодисаларни салбий аҳамиятга эга деб талкин қилиш мумкин. Ижтимоий тараққиётга киритилган ва унга хизмат қиладиган ҳамма нарса қимматлидир.

Тадқиқот методологияси. Сўнгги йилларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий сиёсат ва маънавий ҳаётдаги барқарорлик ва ижобий йўللارни излаш, жамиятнинг турли тузилмалари, оилавий-қўшничилик муҳитида шахсининг ўз-ўзини ағлашти учун қулай ахлоқий-психологик шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлиб, аҳоли билан ижтимоий-тарбия

ишларини аҳамиятли ва сифатли даражада ғоялар, назариялар ва концепцияларига бўлган талаб даражасида ривожлантириш кераклигини белгилаб беради.

Педагогика тарихи турли ижтимоий йўналишдаги ҳаракатлар ва дастурларни ёритиб беради ва амалга оширади, улар давлат тузилмалари ва хусусий бирлашмалари орқали, хусусий шахсларнинг ташаббуси, ижтимоий-педагогик чора-тадбирлар тизимини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ҳимоя қиладилар, бу хайрия, тизимли ахлоқий ва педагогик барқарорлик сифатларини, одамнинг ижтимоий муҳитдаги инсоний муносабатларини шакллантиради.

Миллий қадриятлар – миллат учун аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ ҳослик шаклидир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор кучайди.

Ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда талабчанлик жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида, XXI аср бошида жамият ҳаётининг барча соҳаларида инсон ресурси учун инвестицияларнинг устуворлигини билиш, ижтимоий педагогикани педагогиканинг ижтимоий муносабатлари сифатида тушунишнинг объектив ғояси эканлигини кўрсатади, у иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий, жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланишига ҳисса қўшади.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, унинг ижтимоий муҳитда ва аввало, оилавий-қўшничилик муносабатларида унинг салоҳиятидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувида қисм ва бутун ўртасидаги диалектик алоқалар муҳим ўрин тутати. Қисм билан бутун ўртасидаги диалектик боғлиқлик масаласи Сукрот, Платон ва Аристотель фалсафасида кенг муҳокама қилинган. Сукрот ва Платон ғоясига кўра, маънавий-руҳий олам, борлик бутун, яхлитдир.

Қисм билан бутун муносабатларига ўзига хос воқелик сифатида қараган Платон ва Аристотелнинг ғояларини Д.Юм қадриятлар мисолида давом эттирган. Унинг фикрига кўра, ижтимоий фазилатларга боғланган қадрият, асосан, инсоният ва жамият манфаатларига қаратилган эзгу ниятлар туйғусидан келиб чиқади. «Чунки инсон ёнидаги яқинларининг фаровон ёки фақир яшашига бефарқ қарамайди. Шу нуқтаи назардан қадрият кишиларга келтириладиган бахт, эзгулик, унинг акси бадбахтлик, ёмонликдир» [8].

Демак, жамият, инсоният манфаатлари билан уйғунлашган кишиларнинг бахтли, фаровон ва гўзал яшашига ёрдам берадиган нарсалар, хатти-ҳаракатлар қадриятлардир.

Халқимиз маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини исломий маънавият ва маърифат, унинг манбаларидан бўлмиш Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат аҳкомлари ташкил қилади. Исломи фалсафаси ва исломий меросимизнинг муҳим қисмини ирфоний меросимиз – тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, хусусан, бизнинг Ватанимиз-Туркистонда шаклланиб, эндиликда жаҳон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган уч буюк

тасаввуфий тариқатлар: Яссавия, кубровия ва хожагония-нақшбандия ирфоний-тасаввуф тариқатлари ташкил этади.

Марказий Осиё XII-XIII асрларга келиб тасаввуф тариқатлар фаолиятининг марказига айланди. Бу ерда дастлаб яссавийлик ва кубровийлик, кейинроқ нақшбандийлик тариқати юзага келди. Тарихан, Арнольднинг ёзишича, мўғил истилосидан қаттиқ кўркув ва қийинчиликка грифтор бўлган халқ, тариқатларни ўзлари учун руҳий тасалли манбаи сифатида эътироф этдилар. Чунки бу давр халқлари маънавиятини муҳим қисмини тасаввуфий тариқатлар ташкил этар эди.

Миллий ўзликни англаш жараёнида ислом маданиятининг эзгу ғояларини халқимизга, хусусан, ёшларга тўғри тушунириш, уни турли ғаразли бўҳтонлардан ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жамият маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигидан унумли фойдаланиш шунчаки даъватлар, эзгу истаклар билан амалга ошмайди, у сиёсий-ижтимоий кучларнинг, энг аввало, давлатнинг қўллаб-қувватланишига муҳтождир. Ўтиш даврининг зиддиятлари, мураккабликлари айрим кишиларда, доираларда «инкорни инкор» қилишни келтириб чиқаради, уларни гоҳ миллий эгоизм, гоҳ нигилизм томон оғишга олиб келади. Бундай пайтда давлатнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар борасидаги аниқ позицияси бўлиши шарт.

Шахснинг жамият ва шахс даражасида қадрият онгини шакллантириш ижтимоий қадриятларга - идеаллар, меъёрлар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга бўлган муносабат ва йўналишларнинг маълум бир тўпламидир. Инсоннинг қадрият онгининг мазмуни кўплаб омиллар билан белгиланади, улар орасида маънавий ва ахлоқий қадриятлар асосий рол ўйнайди. Бинобарин, бугунги кунда жамиятимизда жамият томонидан тасдиқланган ғоявий-сиёсий-ахлоқий эътикод ва ҳаракатларни, аҳолининг кенг қатламларида ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғуларини, бағрикенглик туйғуларини ривожлантириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу шахснинг шахс сифатидаги қадрият йўналишлари тизими деб аталади. Қадрият йўналишларининг табиати кўп жиҳатдан инсон ўз қобилиятларини қай даражада бошқара олишига, ўз онги ва эҳтиёжларини жамият манфаатларига қанчалик тўғри бўйсунушига ва ўз ҳаракатларини мамлакатдаги мавжуд воқелик билан мувофиқлаштиришига боғлиқ.

Шундай қилиб, маънавий-ахлоқий қадриятларга (айниқса, этноижтимоий муносабатларга) бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар жуда долзарб ва зарурдир. Концептуал жиҳатдан улар инсон учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўзлаштириши, уни маънавий бойитиши ва минтақавий даражада этник-ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштиришга ҳисса қўшиши керак.

Таҳлил ва натижалар. Маънавий юксалиш узлуксиз, жамият ҳаётининг ўзига хос хусусиятидир. Мазкур қонуният маънавий янгилиниши маълум бир давр, босқич билан чегаралаб бўлмаслигини, тараққиёт мавжуд, давом этар экан, ижтимоий-маънавий борлик ҳам ўзгариб, бойиб, трансформацияга учраб боришини англатади. Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, уларни ижтимоий-маънавий тараққиёт манфаатларига йўналтириш жараёни ҳам тўхтамайди.

Мамлакатимиз қанчалик кенг интеграцияга киришса, модернизациялашса, миллий ва умуминсоний тажрибаларни, бойликлар ва қадриятларни уйғунлаштириш, улардан яхлит воқелик сифатида фойдаланиш ҳам тараққиёт қафолатига айланади.

Жамиятнинг тизимли инқирози ва дунёдаги энг муҳим қадриятлар инқилобларидан бири бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳаётда ва қадриятларни қайта баҳолашда, шахсни шакллантиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда 20 асрнинг ўрталарида ҳам одамларни ижтимоий тараққиётнинг чексиз истикболлари билан илҳомлантирган кўплаб тамойиллар ва қадриятлар сўроқ қилинмоқда.

Умуминсоний ва диний қадриятлар диалектикаси ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтириш ҳамда одамларда келажакка умид уйғотишда янги қадриятлар тизимининг ўрни ва аҳамияти масаласини кун тартибига қўймоқда.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар, замонавий давр талабларига мувофиқ, инсоннинг муҳим кўчларининг ривожланиши ва фаолиятининг моддий ва маънавий асосларини ва уларнинг ижтимоий акс эттириш шаклини белгилайди, бунда ҳукмрон ғоялар, маънолар, мотивлар, манфаатлар ва қадриятлар тизими лойиҳалаштирилади ва йўналтирилади, шахснинг маънавий ва ижтимоий фаолиятида уларни амалга ошириш механизмлари ифодаланади.

Ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда маънавий ва ахлоқий қадриятлар ўзига хос қайта баҳоланади. Бу жараён ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги туб ўзгаришлар, социалистик режали иқтисодий тизимнинг бозор иқтисодиётига алмаштирилиши билан бир вақтга тўғри келди.

Бу ҳолат, бир томондан, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги турли тўқнашувларда, иккинчи томондан, ижтимоий ривожланишнинг мақбул йўллари фаол излашда, ҳусусан, фалсафий ва услубий тадқиқотларнинг фаоллашувида ифодаланган ўзига хослиги ва қарама-қаршилигини белгилаб берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда таълим, тарбия, маърифат ва маданият тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Бундан ташқари, мамлакатда шахсни тайёрлаш, тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш билан боғлиқ бир қатор ижтимоий институтларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Ижтимоий-гуманитар билимларни дунёни ўзгартиришга йўналтирувчи амалий-сиёсий, моҳиятан илмий ёндашув мамлакатимизда энг яхши ҳолатда фақат дунёни тушуниришга мўлжалланган тарихий-маданий ёндашув билан алмаштирилмоқда. Ва бугунги кунда ижтимоий фанлар яна дунёни тушуниришга мурожаат қилмоқда.

Умуминсоний ва диний қадриятлар диалектикаси ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришдаги концептуал аҳамияти уларни қайта

баҳолаш ва шахсни шакллантиришдаги ролини аниқлашга имкон берди.

Маънавий-ахлоқий қадриятларни тушуниш ва улардан фойдаланиш, биринчи навбатда, маънавиятнинг моҳиятини, унинг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни ва ролини тушунишга асосланиши керак. Маънавий-ахлоқий қадриятлар йўналишларини амалга ошириш тизими орқали шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришни бундай тасвирлаш ва бошқариш, оилада шахсни ижтимоийлаштириш ва тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Кўриб чиқилаётган муаммонинг концептуал ечими ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий ўтишлар ва жамиятнинг ўтиш даври муаммоларига асосланади. Жамиятнинг ўтиш даври концепциясига асосланган маънавий-ахлоқий қадриятларни ўрганиш бизга уларнинг онтологик табиати масаласини ҳал қилиш, уларнинг пайдо бўлишининг ижтимоий-психологик механизмини аниқлаш ва инновацияларнинг ўзаро ўтиши сифатида кўрсатиш, маънавий соҳада содир бўлаётган ўзгаришларни инсоннинг турли хил қиймат тушунчалари соҳасидаги ўтиш даври ҳолатларининг пайдо бўлиши билан тушунириш имконини берди.

Умуминсоний ва диний қадриятлар диалектикаси ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришдаги концептуал асоси ягона ижтимоий-фалсафий ёндашув билан бирлаштирилган таҳлилнинг камида аксиологик, онтологик, ижтимоий-психологик ва социологик жиҳатларини ўз ичига олиши керак.

Ушбу вазифани амалга ошириш умуминсоний ва диний қадриятларнинг умумий услубий масалаларига мурожаат қилиш, уларнинг социологик жиҳатларини ривожлантириш, уларни қайта баҳолашнинг моҳияти ва ижтимоий-психологик механизмини таҳлил қилишни талаб қилади. Шунингдек, умуминсоний ва диний қадриятларни замонавий қайта баҳолашнинг айрим хусусиятларини аниқлаш, уларнинг фикрлаш услубидаги ўзгаришларни тавсифлаш, қадриятларни қайта баҳолаш ва уларнинг ривожланишидаги тарихий бурилишлар ўртасидаги боғлиқликни кузатиш муҳим.

Жамиятида давом этаётган маънавий, ахлоқий ва бошқа қадриятларни қайта баҳолаш чуқур илдизларга эга ва узоқ муддатли асосларга эга, чунки янги қадриятлар аниқлаш харақтериға эға бўлиб, эски аниқлаш ўзгартирилиб, янги шароитларға мослаштирилади.

Умуминсоний ва диний қадриятлар диалектикаси ижтимоий жараёнлар қаби маълум бир ўзгаришларға дучор бўлади. Бугунги шароитда навқирон авлоднинг ана шу қадриятларни идрок этишиға кўмаклашиш, улар онғида иммунитетни шакллантириш, ҳар қандай қўпол, салбий, маънавиятсизликка қарши иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятға эға.

Адабиётлар

1. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Т.: “Маънавият”, 2001.
2. Алиқулов Ҳ. Буюк донишмандлар адолат ҳақида. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010;
3. Каримов Иброҳим. Имон ва маслак тарихи. – Т.: «Yangi nashr», 2010;
4. Коршунов А.М. Социальное познание, ценность и оценка. //Филос. науки. -М.: 1987. №6.
5. Муродов М., Ҳақимов Н., Эргашев А. Қадриятнома. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.
6. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: «Маънавият», 2007.
7. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996, 4-б.
8. Юм Д. Сочинения в двух томах. Т.2. – М.: «Мысль», 1966. – С. 272-273.
9. Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгилиниши жараёнида илмий қадриятларнинг роли. Фалсафа фан.номзоди дисс...автореферати. –Т.: 2006.

РЕЗЮМЕ. Мақолада умуминсоний ва диний қадриятлар диалектикаси ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришдаги концептуал аҳамияти ёритиб берилган. Халқимиз маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини исломий маънавият ва маърифат, унинг манбаларидан бўлмиш Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирилар, шариат аҳкомлари ташкил қилади.

РЕЗЮМЕ. В статье подчеркивается концептуальное значение диалектики общечеловеческих и религиозных ценностей в формировании и совершенствовании мировоззрения молодого поколения. Большую часть духовного наследия и священных ценностей нашей нации составляют исламская духовность и просвещение, такие ее источники, как Священный Коран, хадисы, толкования и правила шариата.

SUMMARY. The article emphasizes the conceptual significance of the dialectic of universal and religious values in the formation and improvement of the worldview of the younger generation. The greater part of the spiritual heritage and sacred values of our nation is made up of Islamic spirituality and education, such sources as the Holy Quran, Hadith, interpretations and rules of Sharia.

IShLAB CHIQARISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHDA MUHANDISLIK FANLARINING IJTIMOIIY AHAMIYATI

Q.X.Hasanov – katta o'qituvchi
Qarshi davlat texnika universiteti

Tayanch so'zlar: ijtimoiy muhandislik, innovatsion yondashuv, ishlab chiqarish muhandisligi, ijodiy fikrlash, ijodiy loyiha.

Ключевые слова: социальная инженерия, инновационный подход, производственная инженерия, креативное мышление, креативный проект.

Key words: social engineering, innovative approach, production engineering, creative thinking, creative project.

Kirish. Mamlakatimizda mustaqilligimizning dastlabki yillaridan boshlab har bir sohada sobitqadamlik bilan ish yuritish boshlandi, binobarin ta'lim sohasida ham. Ayniqsa, so'nggi yillarda umumiy o'rta, kasb-hunar va oliy ta'limni tubdan isloh qilish va uni rivojlantirishga, jamiyatda o'qituvchi va ustozlarning mavqeyini, obro'yini yanada ko'tarish masalalariga shaxsan davlat rahbarining tashabbusi bilan katta e'tibor qaratilmoqda. Masalan, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish, jumladan, jismonan sog'lom, ruhiy va intellektual rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, qat'iy hayotiy nuqtayi nazariga ega, Vatanga sodiq yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularni ijtimoiy faolligini oshirish" kabi vazifalar qo'yildi. Bunday intellektual salohiyatli mutaxassislarni voyaga yetkazishda muhandislik grafikasi fanlarining ham o'z o'rnini va amaliy ahamiyati mavjud. Inson faoliyatining deyarli hamma sohalari uchun zarur bo'lgan chizmalarni o'qish va bajarish ishlari qanchalik mukammal bo'lsa, shunchalik o'zi uchun qulay bo'lgan bilish vositasiga ham ega bo'ladi [1:6].

Xalq xo'jaligining turli sohalari hamda oliy ta'lim muassasalari uchun yetuk pedagog kadrlar zaxirasini tayyorlash ta'limining asosiy vazifalari hisoblanadi. Oliy ta'lim muassasalari talabalarining kasbiy-pedagogik rivojlanishi ularning mustaqil fikrlashlari, ijodkorliklari, faolliklari, munosabatlarining chuqurlashib hamda boyib borishi, xarakter hamda dunyoqarashlarining turg'unlashuvi hamda o'z-o'zini tarbiyalashga bo'g'liq bo'lgan ehtiyojlarining shakllanishi, ijtimoiy shaxsiy qiziqishlarining kasbiy-pedagogik yo'nalishga ega bo'lishi kabi holatlar bilan tavsiflanadi.

Asosiy qism. Ma'lumki, har qanday ixtiro qilinayotgan buyumning turli grafik tasvirlari chiziladi, mustahkamligi va chidamliligi faqat uning geometriyasi orqali matematik modellash yo'li bilan aniqlanib, sinovdan o'tkaziladi [2:35]. Bo'lajak texnika mutaxassisi, chizmachilik fani o'qituvchisi, istalgan soha vakili, hattoki oddiy bir inson ham buyumlarning chizmasidan uning ishlash prinsipi, undan foydalanish va iloji bo'lsa, uni ta'mirlashni bilishi lozim. Chizmachilik fani o'quvchi va talabalarni grafik

savodxonlikka o'rgatib, talabani fan doirasida egallagan nazariy bilimlari buyumning chizmasini tuzishga qaratilgan grafik ishlar orqali mustahkamlanadi [3:2]. Bunda, albatta, talaba ushbu fanga oid grafik bilimlarni yaxshi o'zlashtirishi bilan birga, ularda fazoviy tasavvur qilish, ijodiy loyihalash kabi bilimlar ham shakllangan bo'lishligi lozim. Ushbu ko'rinishdagi talabalardagi shaxsiy sifatlarini chizmachilik muhandislik grafikasi o'qituvchisi o'zining pedagogik mahorati, pedagogik odobi, pedagogik imidji bir so'z bilan aytganimizda o'zining ijtimoiy hayotdagi mavqeyi orqali shaxsiy o'rnini ko'rsatish orqali oson erishishi mumkin.

Biz o'quvchi va talabalarga chizmachilik fanini o'rgatishda, eng avvalo, ushbu fanning qisqacha tarixiy shakllanish bosqichlari va uning fan sifatida vujudga kelishiga asosiy sababchi omillar yoki ehtiyojlar haqida tarixiy faktlar asosida gapirib berishimiz hamda chizma chizishni o'rgatuvchi adabiyotlarni va o'rgatuvchi sifatida ijodiy izlanishlar olib borgan olimlar haqida ham tegishli nazariy ma'lumotlar berish lozim. Shundan so'nggina faning asosiy bilimlarini berish mumkin va bu ishni dastlab Chizma nima? U nima uchun kerak? Uni bajarishda qanday standartlar mavjud? kabi mazmundagi savollar orqali ma'lumotlar berilish va chizma haqida to'la amaliy ma'lumotlar beriladi.

Chizma — o'ziga xos grafik til, u baynalmilal (internatsional) til bo'lib, texnik jihatdan savodli har bir kishi uchun, u qanday tilda gapirishidan qattiq nazar, tushunarlidir. Ko'pincha, chizmani axborot (informatsiya) uzatishning grafik vositasi deb ham atashadi, chunki u texnik g'oyani ifodalashning eng sodda va qulay vositasi hisoblanadi [4:18]. Insoniyat tarixida birinchi kashfiyot bu yozuvning paydo bo'lishi bo'lsa, uning xosilasi natijasida chizmaning yaratilganligidir. To'g'ri chizma yozuvdan oldin paydo bo'lgan deyish mumkin tasviriy ifoda sifatida, lekin chizma va uni bajarish yuzasidan aniq belgilangan uslubiy ilmiy ishlar aynan yozuvdan keyingina yaratilgan. Agar endigina tug'ilgan go'dakni ham qanchadir vaqt o'tib unda hali ong va nutq shakllanmasidan turib qo'liga chizuvchi qurolni bersangiz nimalarnidir qandaydir yuzalarga o'zicha tasvirlashini kuzatishimiz mumkin. Chunki chizish bizning shaxsiy irsiyatimizda biz bilan birga shakllanib boradi va uni inson ulg'aygan sari qanday